

Сиёсий-маърифат соати | Ўзгариш стратегияси (Ўттиз яшар ва ундан катталар учун ўзгариш стратегияси)



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума куни ташкил этиб келинаётган “Сиёсий-маърифат соати”нинг бу ҳафтага мўлжалланган навбатдаги онлайн машғулоти бўлиб ўтди.

Бугунги ўқув машғулотини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари онлайн кузатиб боришди.

Ўқув машғулотида “Ўттиз яшар ва ундан катталар учун ўзгариш стратегияси”, “Узоқ вақт ишлайсизми ёки самаралироқ” мавзуларидаги видеолавҳалар намойиши ва “Мутолаа вақти” рукнлари, шунингдек, юртимиз ва хориж саҳнида рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот берилди.

Мазкур ўқувни Youtube да ушбу ҳавола орқали томоша қилишингиз мумкин.